

ДАСТЛАБКИ ТАҲРИРСИЗ ВЕРСИЯ

Тарқатиши: Умумий
2022 йил, 4 март

Асли: инглизча

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқлар бўйича қўмита

Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний мулоҳазалар^{*}

1. Қўмита Ўзбекистоннинг учинчи даврий ҳисоботини¹ 2022 йил, 22, 23 ва 24 марта бўлиб ўтган 13-, 15- ва 17 йиғилишларида² кўриб чиқди ва ушбу якуний мулоҳазаларни 2022 йил, 4 марта бўлиб ўтган 30-йиғилишида қабул қилди.

Кириш

2. Қўмита Иштирок этувчи давлат учинчи даврий ҳисоботни тақим этганлигини ва масалалар рўйхатидга берилган жавобларидағи қўшимча ахборорни юкори баҳолайди.³ Қўмита Иштирок этувчи давлатнинг юкори даражали ва вазирликлараро делегацияси билан бўлган конструктив мулоқотни кадрлайди.

Ижобий жиҳатлар

3. Қўмита Иштирок этувчи давлат иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқларни, ушбу якуний мулоҳазаларда кўрсатилгандек, амалга оширишни кучайтириш мақсадида конунчилик, институционал ва сиёсий чораларни кўрганини мамнуният билан таъкидлайди. Хусусан, Қўмита Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги конун (2017.03.01. дани ЎРҚ-419) қабул қилинганигини ва Коррупцияга қарши курашиш агентлик ташкил этилганигини юкори баҳолайди.

Асосий ташвишли мавзулар ва тавсиялар

Пактни мамлакатда қўллаш

4. Гарчи Конституцияга кўра Пакт миллий хуқуқий асоснинг ажralmas қисмини ташкил қилса-да ва судлар Пактни қўллаш ваколатига эга бўлса ҳам, Қўмита судларда Пакт коидаларига кам мурожаат этилишидан ҳамон ташвишда (2 (1)-модда).

5. Қўмита Иштирок этувчи давлат жамоатчиликнинг Пакт тўғрисида хабардорлигини оширишини ва судьялар, прокурорлар ва адвокатлар учун салиҳиятни ошириш дастурларини ўтказиб, уларга мамлакат судларида иқтисодий, ижтимоий ва маданий хуқуқларига мурожаат қилиш имкониятини яратишни тавсия этади. Қўмита Иштирок этувчи давлатнинг диққатини

* Қўмита ўзининг етмиш биринчи сессиясида қабул қилган (2022 йил, 14 февраль – 4 март).

¹ E/C.12/UZB/3.

² Қаранг: E/C.12/2022/SR.13, E/C.12/2022/SR.15 ва E/C.12/2021/SR.17.

³ E/C.12/UZB/RQ/3.

қўмитанинг Пактни мамлакада қўллашга тегишли 9-сон (1998) умумий шархига қаратади.

Судьялар мустақиллиги

6. Кўмита суд тизимини ислоҳ қилиш учун, жумладан Судьялар олий кенгашини барпо этиш ва судья лавозимларига номзодларни танлаш ва уларни тайинлашнинг янги тартиби орқали кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Шунга қарамай, Кўмита хокимиятнинг ижроия ва қонун чиқарувчи тармоқларининг Конституциявий Суд ва Олий Суд судьяларини танлашга ва судьяларни тайинлашга (2 (1)-модда) аралашуви каби судьялар мустақиллигига доир турли камчиликлардан ташвиш билдиради.

7. Кўмита Иштирок этувчи давлатга инсон ҳуқуқларидан, жумладан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан баҳраманд бўлишининг воситаси сифатида Судьялар олий кенгашининг ваколатларини кучайтириб судьялар мустақиллиги ва бетарафлигини кафолатлашга қаратилган саъй-харакатини кучайтириш ва ижроия ва қонун чиқарувчи тармоқларининг судьялар фаолиятига, хусусан судьяларни танлаш ва тайинлашга аралашунинг олдини олиш мақсадида қўйидагини тавсия этади. Кўмита Иштирок этувчи давлат Махсус маърузачи Ўзбекистонга вазифа билан келиши тўғрисидаги хисоботида (A/HRC/44/47/Add.1) судьялар ва адвокатлар мустақиллиги борасида берган тавсияларни бажаришда саъй-харакатини кучайтиришни тавсия этади.

Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар

8. Кўмита Иштирок этувчи давлат Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ваколати ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни инобатга олди. Бироқ Кўмита Омбудсманни танлаш ва тайинлашнинг шаффоф жараёни йўклиги ва унинг ресурсларнинг фаолиятига ноxуш таъсир кўрсатаётган номутаносиб ажратилганин борасида ташвиш билдиради (2 (1)-модда).

9. Кўмита Иштирок этувчи давлат Омбудсманни инсон ҳуқуқларини тарғиб ва ҳимоя қилиш бўйича миллий институтлар мақомига тегишли принциплари (Париж принциплари)га тўлиқ мос келтириш, самарали ва мустақил равишда вазифасини бажаришни, жумладан иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларини тарғиб ва ҳимоя қилиши учун жумладан унга муносиб инсон, техник ва молиявий ресурсларни таъминлаш йўли билан унинг мустақиллигини янада кучайтириш чоралар кўришни тавсия этади.

Фуқаролик жамият

10. Кўмита Иштирок этувчи давлат Ноxукумат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланаётганлиги тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Бироқ Кўмита охирги вактда олиб борилаётган ислоҳотларга қарамай фуқаролик жамиятининг янги ташкилотларини рўйхатдан ўтказиш йўлида мавжуд маъмурий ва процессуал юқ, уларнинг чекловлар туфайли фаолиятини эркин амалга ошира олмаслиги ва янги рўйхатга олинган ташкилотлар сони пастлигидан ҳамон ташвишда (2 (1)-модда).

11. Кўмита Иштирок этувчи давлатга Ноxукумат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун қабул қилиниши учун фуқаролик жамияти ташкилотлари самарали ва мазмунли қатнашувида маслаҳатлашув жараёнини жадаллаштириш тавсия этади. Шунингдек Кўмита иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларни тарғиб ва ҳимоя қилишда қатнашадиган ноxукумат ташкилотлари учун имконият яратадиган мухитни, жумладан самарали рўйхатга олиш тартибини таъминлашни тавсия этади. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг дикқатини инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларига доир Кўмитанинг баёнотига қаратади (E/C.12/2016/2).

Коррупция

12. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг коррупцияга карши сиёсатини (2021–2022) амалга оширилиши, Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ваколатлари ва давлат хизматчилари учун даромад ва мулкни мажбурий декларация қилиш тизими жорий этилганлиги тўғрисидаги ахборотни инобатга олади. Бироқ Кўмита коррупция кенг тарқалганлиги ва коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар қилиш учун хавфсиз ва кулагай йўллари мавжудлиги тўғрисида ахборот йўқлиги тўғрисидаги ахборотдан ташвишда (2 (1)-модда).

13. Кўмита Иштирок этувчи давлатга қўйидагилар орқали коррупцияга қарши курашиш саъй-харакатларини қучайтиришни тавсия этади:

(а) Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонуннинг (2017.03.01. ЎРҚ-419) самарали ижро этилишини таъминлашни ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ролини қучайтириш, жумладан муносиб молиявий ва инсон ресурсларини таъминлаб, унинг мустақиллигини кафолатлаб ва низорат ўтказиш ролини қучайтириш орқали;

(б) Коррупцияга қарши курашиш борасида қамровли ва узоқ мудатли, жумладан маҳаллий даражада, стратегияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни;

(с) Коррупция тўғрисида хабар бериш учун хавфсиз ва фойдаланиш кулагай каналларни яратиш ва коррупцияга қарши курашиш фаоллари, хукуқбузарликни ошкор қилувчи ходимлар ва гувоҳлар ҳимоясини кафолатлаш учунchorалар қабул қилиш.

Бизнес ва инсон хукуқлари

14. Кўмита Иштирок этувчи давлат бизнес ва инсон хукуқлари бўйича харакат режасини тузишга қаратилган саъй-харакати тўғрисида мулокот чоғида тақдим этган ахборотни инобатога олади. Бироқ Кўмита бизнес субъектлари Пактга биноан инсон хукуқларига риоя этиши ва инсон хукуқлари бўйича лозим текширув ўтказаётгани тўғрисида ахборот йўқлигидан ташвишда (2 (1)-модда).

15. Кўмита Иштирок этувчи давлатга қўйидагиларни тавсия этади:

(а) Бизнес ва инсон хукуқлари бўйича миллий харакат режасини тайёрлаш ва қабул қилишни тезлаштириш;

(б) Инсон хукуқлари бўйича лозим текширув учун норматив асосни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, уни Иштирок этувчи давлатда жойлашган ёки унинг юрисдикциясидаги компаниялар учун маҳаллий ва чет элдаги фаолиятида инсон хукуқлари бузилишларини аниқлаш, олдини олиш ва ҳал қилиш учун мажбурий қилишни;

(с) Иштирок этувчи давлатда жойлашган ёки ундан бошқариладиган компаниялар иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар уларнинг фаолияти туфайли бузилган ҳолда хукуқий жавобгарликка тортилишини таъминлаш ва жабрланувчиларга зарарни қоплаш муносиб воситаларини таъминлаш;

(д) Бизнес субъектлари содир этган иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлари бузилишидан жабрланганларнинг тақдим этган даъво аризалари тўғрисида ахборот йигишини;

(е) Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг дикқатини бизнес фаолияти контекстида ўзининг Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактга биноан мажбуриятларига доир 24-сон (2017) умумий шархига қаратади.

Иқлим ўзгариши

16. Кўмита Париж битимида доир қайта кўриб чиқилган, мамлакатга хос ҳиссаси тақим этилганлигини ва 2030 йилгача Яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси қабул қилганлигини таъкидлайди. Шунга қарамай, Кўмита иқлим ўзгаришининг аҳолига

таъсири, айникса сув ресурсларининг қискариши башорат қилиниш билан ишлаш учун қабул қилинган чоралар етарли эмаслигидан ташвишда (2 (1)-модда).

17. Кўмита Иштирок этувчи давлат табиий оғатлар ва иқлим ўзгаришининг таъсирига қарши туриш, жумладан мониторинг механизмини барпо этишга қаратилган стратегияни қабул қилинганда инсон хукукларига асосланган ёндашув ни таъминлашни тавсия этади. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг дикъатини ўзининг иқлим ўзгариши ва Пактга тегишли 2018 йил, 8 октябрда қабул қилинган баёнотига (E/C.12/2018/1) ва 2019 йил, 16 сентябрда эълон қилинган инсон хукуклари ва иқлим ўзгариши тўғрисидаги баёнотига (HRI/2019/1) қаратади.

Энг кўп фойдаланиб бўладиган ресурслар

18. Кўмита солик тизимининг ислоҳоти тўғрисидаги аъборотни таъкидлайди. Бироқ, 2011 йилдан бери ўсанлигига қарамай, давлат харажатларига ажратилган ялпи ички маҳсулотнинг улуши пастлигича қолаётганидан ташвишда (2 (1)-модда).

19. Кўмита Иштирок этувчи давлатга ижтимоий харажатларни ҳам миллий даражада, ҳам маҳаллий даражада оширишни тавсия этади, айни пайтда ижтимоий ҳимояланмаган ва маргинал гурухларга алоҳида эътибор қаратишни ва давлатнинг макроиктисодий ва бюджет сиёсатининг инсон хукукларига таъсирини баҳолашини иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқларининг амалга ошириш учун ишлатиш мумкин бўлган ресурсларни максимал даражага етказинши назарда тутиб ўтказиши.

Камситмаслик

20. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг Конституция ва қонуний асосларда камситиш тақиқланганлиги тўғрисидаги аҳборотни, шунингдек Парламентда кўриб чиқилаётган Тенглик ва камситмаслик тўғрисидаги қонун лойиҳаси тайёрланганлиги тўғрисидаги аҳборотни таъкидлайди. Кўмита қуидагидан ташвишда:

- (a) Камситишга қарши қамровли қонун хужжатлари ва сиёсий асоснинг йўклиги;
- (b) Жиноят кодексининг 120-моддасига биноан ўзаро рози катта эркаклар орасидаги жинсий алоқанинг криминалаштирилиши ва лесбиян, бесоқол, бисексуал ва трансгендерларга нисбатан кўрқитиши, таъқиб қилиш, зўравонлик ва тамға босиш муносабатлар устундир, бу эса уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукукларидан баҳраманд бўлишга тўсқинлик килади;
- (c) ОИВ/ОИТС билаш яшовчи шахслар дуч келадиган тамғалаш ва камситишга улар хукуқий асосдаги камситувчи қоидалар тифайли тиббий ёрдам, бандлик ва оиласвий хукуклар соҳаларида рўбарў бўладилар (2 (2)-модда).

21. Кўмита Иштирок этувчи давлатга қуидагиларни тавсия этади:

- (a) Тенглик ва камситмаслик тўғрисидаги қонун қабул қилинишини тезлаштириш ва у иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлардан фойдаланиш имкониятини таъмилаш учун камситишнинг барча турларидан ҳимояни кафолатлашини таъминлашни;
- (b) Жиноят кодексининг 120-моддасини бекор қилишни;
- (c) ОИВ/ОИТС билан яшовчи шахсларга қарши камситувчи қоидаларни олиб ташлаш максадида хукуқий асосни қайта кўриб чиқиши;
- (d) Камситишдан жабрланувчилар зарарни коплашни талаб қилиш имконини берадиган механизмни, жумладан самарали маъмурий ва хукуқий воситаларни жорий этишни;
- (e) Жамоатчилик, тиббий ёрдам кўрсатувчилар, хукуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари ва бошқа расмий кишиларга мўлжалланган хабардорликни ошириш кампанияни ОИВ билан яшаётган кишилар ва лесбиянлар, бесоқорлар, бисексуал, трансгендер ва интерсекслар каби маргинал

гурухлар аъзоларига қарши салбий қолипларни ва тамғалашни бартараф этиш мақсадида олиб боришини;

(f) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқларни камситмаслик тўғрисида 20-сон (2009) умумий шархини инобатга олишини.

Қочоқлар ва бошпана изловчилар

22. Кўмита Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг хукуқий ҳолати тўғрисидаги Қонуни (2021 йил, 4 июнь, ЎРҚ-692) қабул қилинганлигини таъкидлайди. Шунга қармамай, Кўмита қочоқлар ва бошпана изловчилар учун қамровли сиёсий асос ўйқлигидан ташвишда, мазкур ҳолат уларнинг иқтисодий ва ижтимоий хукуқлардан фойдаланишга тўсқинлик қиласди (2 (2)-модда).

23. Кўмита Иштирок этувчи давлатга қочоқлар ва бошпана изловчилар бандлик, ижтимоий ёрдам, таълим ва соғлиқни сақлаш хизматларидан фойдалана олишлари учун халқаро стандартларга мос миллий хукуқий асосни яратишни тавсия этади. Шунингдек у Иштирок этувчи давлатга Қочоқлар мақомига тегишли 1951 йил Конвенция ва Қочоқлар мақомига тегишли 1967 йил Протоколига шунингдек Фуқароликсиз шахслар мақомига тегишли 1954 йил Конвенциясига ва Фуқаросизликни қисқартириш тўғрисидаги 19561 йил Конвенциясига қўшилишни тавсия этади.

Ногиронлиги бўлган шахслар

24. Кўмита Ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқлари тўғрисидаги қонун (2020 йил, 15 октябрдаги ЎРҚ-641) қабул қилинганлигини ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуқларини тарғиб қилишга қаратилган бошқа чораларни таъкидлайди. Бироқ Кўмита ногиронлиги бўлган шахслар мувофиқ мослашув, айниқса мактабларда, олий таълим муассасаларида ва тиббиёт муассасаларида йўқлигидан иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлардан фойдаланишда тўсикларга юз тутаётганидан ташвишда (2 (2)-модда).

25. Кўмита Иштирок этувчи давлатга ногиронлиги бўлган шахслар ижтимоий хизматлар ва муассасалардан фойдалана олишини таъминлашга қаратилган чоралар кўришини ва улар бандлик, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятини таъминлашни тавсия қиласди. Шунингдек у Иштирок этувчи давлатнинг барча босқичларда, жумладан мактаб ва олий таълим муассасаларига кириб-чиқиш имкониятларини яхшилаш, мувофиқ транспорт имкониятларини таъминлаш, таълим муассасаларига мослаштирилган ўқув материалларини етказиш ва муносиб таълим олган ўқитувчи ва таълим ходимлари билан таъминлаш йўли билан инклузив таълимга эришишга қаратилган саъй-харакатларини кучайтиришни тавсия этади.

Эркаклар ва хотин-қизлар учун тенг хукуқлар

26. Кўмита гендер тенгликка эришиш учун қабул қилинган чораларни, жумладан Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг хукуқлар кафолатлари тўғрисидаги қонунни (2019 йил, 2 сентябрдаги ЎРҚ-562) ва Гендер тенглик стратегиясини юкори баҳолайди. Бироқ Кўмита хотин-қизлар меҳнат бозорида эркаклардан кам ҳак олиши тўғрисидаги хабарлар, ва олий ва ўрта таълим олаётган аёллар ва қизлар сони камроқ эканлигидан ташвишда давом этади. Шунингдек у хотин-қизларнинг сони карор қабул қилувчи ва етакчилик ловозимларда камлигидан ташвишда (3-модда).

27. Кўмита Иштирок этувчи давлатга қўйидагиларни тавсия этади:

(а) Гендер тенглик борасидаги хукуқий ва сиёсий асосини самарали жорий этишини таъминлаш ва аёллар ва қизларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлардан тўлиқ фойдаланишни кафолатлаш механизмини яратишни;

(b) Гендер роллари қолипларини бартараф этиш учун чоралар қабул қилиш ва олий ва ўрта таълим олаётган аёллар ва қизлар сони камроқ эканлигини бартараф этиш, жумладан кенг жамоатчилик, хусусан аёллар ва қизларнинг иқтисодда, меҳнат бозорида, таълимда ва ижтимоий ва маданий ҳаётнинг бошқа соҳаларида иштирокини осонлаштиришини назарда тутиб хабардорликни ошириш кампаниялари йўли билан;

(c) Иш ҳақидаги гендерга боғлиқ фарқни қисқартиришга қаратилган саъй-харакатини кучайтириш ва бандликнинг анъанавий бўлмаган соҳаларида банд хотин-қизларга уларга хизматда қўтарилиш учун тенг имкониятлар тақим этадиган, салоҳиятни ошириш тренингларини таъминлашни;

(d) Квота тизимини кучайтириш ва хотин-қизларнинг қарор қабул қилиш лавозимларда, хусусан маҳаллий даражада, камроқ эканликлари муносабати билан чора қабул қилишни.

Мажбурий меҳнат

28. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг мажбурий меҳнат, хусусан болалар меҳнатини камайишига олиб келган саъй-харакатларини юкори баҳолайди. Бироқ Кўмита пахта йигим-терим мавсумида болалар меҳнати ҳамон юз бериши тўғрисидаги хабарлардан ташвишда (6- ва 7-моддалар).

29. Кўмита Иштирок этувчи давлатга мажбурий меҳнатни ва болалар меҳнатининг сақланиб колган шаклларини таг-томири билан йўқ қилиш саъй-харакатларини кучайтириши, жумладан мавжуд қонунларни ва мажбурий меҳнатни тақиқловчи нозомларни самарали ижросини таъминлаш, ҳолатларни текшириш ва бундай ҳолатларда жавобгарликка тортиш йўли билан, ва жабрланувчиларган тўлиқ зарарни қоплашни таъминлаш йўли билан.

Одилона ва қулай иш шароитига бўлган ҳуқуқ

30. Кўмита қонунчилик ислоҳоти натижасида охирги беш йил давомида энг кам иш ҳақи миқдори йиллик кўриб чиқилиши ва унинг ўсиши тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Бироқ Кўмита энг кам иш ҳақи меҳнаткашлар ва оила аъзоларига муносиб яшаш учун ҳамон етарли эмаслигидан ташвишда. Шунингдек Кўмита энг кам иш ҳақини белгилаш учун қайта кўриб чиқиш жараёнининг мезонлари тўғрисида ахборот йўқлиги туфайли афсус билдиради. Шунингдек у Давлат меҳнат комиссиясининг энг кам иш ҳақига амал қилинишига мажбурлаш ва норасмий иқтисодда назорат ўтказиш ваколатлари тўғрисида ахборот йўқлигидан ташвишда (7-модда).

31. Кўмита Иштирок этувчи давлатга ижтимоий шерикларнинг энг кам иш ҳақининг йиллик даврий кўриб чиқишида ва уни яшаш харажати бўйича индекслашда иштирокни таъминлашни ва шу орқали меҳнаткашлар ва уларнинг оиласлари муносиб ҳаёт кечираётганини таъминлашни тавсия этади. Шунингдек у энг кам иш ҳақи тўлашни тайин қилиш, айниқса норасмий сектора мажбурлаш механизмини жорий этишини ва шикоят учун учун хавфсиз ва фойдаланиш қулай механизмини жорий этишини тавсия қиласди. У Давлат меҳнат инспекциясини кучайтириб, энг кам иш ҳақига риоя этишини ва норасмий иқтисодда инспекциялар ўтказишини таъминлаш. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг дикқатини ўзининг одилона ва қулай меҳнат шароитига тегишли 23-сон (2016) умуний шарҳига қаратади.

Ёшлар ишсизлиги

32. Кўмита ўрта таълимдан кейин ёшлар ўртасида, айниқса хотин-қизлар орасида банд бўлмаган, таълим олмаётган ёки тренингларда қатнашмаётганларнинг кўрсаткичи юкори эканлигидан ташвишда (6 ва 3-моддалар).

33. Кўмита Иштирок этувчи давлатга банд бўлмаган, таълим ёки тренинг олмаётган ёшларнинг сонини меҳнат бозорида маҳсус тайёрланган, хотин-қизларга алоҳида дикқат қаратиб, техник ва касбий тренинг имкониятларини

билин ҳам қисқартиришга қаратилган саъй-харакатини кучайтиришни тавсия этади.

Касаба уюшмалари ҳуқуқлари

34. Кўмита Касаба уюшмалари тўғрисидаги қонун (2019 йил, 6 декабрдаги ЎРҚ-588) қабул қилинганилиги тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Бирок, Касаба уюшмалари рўйхатдан ўтиш учун Адлия вазирлигининг тасдигини олишлари кераклигидан ташвишда. Шунингдек у 2016 йилдан бери рўйхатга олинган касаба уюшмаларининг сони ошмаганидан ва давлат ва хусусий сектордаги ходимларнинг касаба уюшмаларда қатнашиш даражаси паст эканлигидан ташвишда (8-модда).

35. Кўмита Иштирок этувчи давлатга аввалдан Адлия вазирлигининг тасдигини олиш лозимлиги талабини бекор қилиш ва касаба уюшмасини тузишга маъмурий тўсиқларини олиб ташлаш ўйли билан меҳнаткашларнинг касаба уюшмалар ташкил қилиш ҳуқуқини таъминлашга қаратилган чораларни кучайтиришни тавсия этади. Шунингдек у Кампаниялар, йиғилишлар ва намойишлар тўғрисидаги қонунни касаба уюшмалари ва тегишли манфаатдор тарафларнинг самарали ва мазмунли қатнашуви билан, бир вақтда касаба уюшмалари ҳуқуқлариндан фойдаланиш ва фаолиятини юритишда эркинлик ва кераксиз чеклов ва таҳдид бўлмаслигини кафолатлашни тавсия этади. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг диққатини меҳнатга бўлган ҳуқуққа тегишли 18-сон (2005) умумий шарҳига қаратади ва уюшма тузиш эркинлиги, жумладан касаба уюшмалар тузиш эркинлиги тўғрисидаги Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмита билан қўшма баёнотига хавола қиласи (Е/C.12/66/5-CCPR/C/127/4), 2019 қабул қилинган.

Иш ташлаш ҳуқуқи

36. Кўмита Иштирок этувчи давлатда иш ташлаш ҳуқуқига тегишли ҳуқукий асос йўклигидан ташвишда (8-модда).

37. Кўмита Иштирок этувчи давлатга Мехнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни тезлаштириб, халқаро стандартларга мувофиқ равиша иш ташлаш ҳуқуқини киритишни таъминлашни тавсия этади.

Ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи

38. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг Ижтимоий ҳимоя бўйича миллий стратегияни (2021–2030) қабул қилганлиги ва мажбурий соғлиқни суғурта қилиш тизимининг биринчи боскичи амалга оширилганлиги тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Бироқ Кўмита турли ижтимоий ҳимоя чораларига нисбатан давлат органлари орасида мувофиқлаштириш йўқлиги ва ижтимоий нафақалар етарли даражада эмаслиги ва нафақалар аҳолининг барча тегишли табақалари ҳам улардан фойдалана олмаслиги тўғрисида ташвишда (9 ва 12-моддалар).

39. Кўмита Иштирок этувчи давлатга унинг Ижтимоий ҳимоя миллий стратегиясини самарали амалга оширишни, жумладан аниқ мувофиқлаштириш ва маъмурий механизмни аҳолининг барча сегментларини, айниқса норасмий сектордагиларни қамраб олишни назрада тутиб барпо этишини ва мажбурий соглиқни суғурталашни амалга оширишни тезлаштиришни тавсия этади. Шунингдек у ногиронлиги бўлган шахслар, бошқа шахслар, лўлилар, қочоклар ва бошпана сўраганларга ижтимоий ҳимоя нафақаларининг мувофиқ даражасини таъминлашни ва иштимоий нафақаларнинг микдорини даврий асосда қайта кўриб чиқиши тавсия этади. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг диққатини ижтимоий суғурта тўғрисидаги 19-сон (2007) умумий шархи 2015 йилда қабул қилинган “Ижтимоий ҳимоя даражалари: ижтимоий суғурта ҳуқуқи ва Барқарор ривожланиш мақсадлари” деб номланган баёнотига (Е/C.12/2015/1) қаратади.

Оила ва болаларни ҳимоялаш

40. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг Уй зўравонлиги тўғрисидаги қонун ва Етим болалар ва ота-она қаромогидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун тайёрланаётганлиги шунингдек болаларга доир институуанализациядан чиқариш сиёсати амалга оширишганлиги тўғрисидаги ахборотини таъкидлайди. Бирок Кўмита оилаларга, айниқса ижтимоий ҳимояланмаган ва маргинал гурухларга мансуб болаларга кўрсатиладиган оила асосида ва муқобил боқиши ёрдамининг мувофиқ даражада эмаслигидан ташвишда. Шунингдек Кўмита ижтимоий ҳимояланмаган ва маргинал гурухларга мансуб болалар ахволига тегишли ахборотни тизимли равища тўпланмаслигидан ташвишда (9 ва 10-моддалар).

41. Кўмита Иштирок этувчи давлатга қўйидагиларни тавсия этади:

(а) Уй зўравонлигининг барча турлари, жумладан эр хотинни зўрлашини жиноят ҳисоблаш мақсадида Уй зўравонлиги тўғрисидаги қонун қабул қилишни тезлаштириш ва барча жабрларувчиларни ҳимоя қилиш ва содир этганларни суд жавобгарлигига тортиш ва жазо олмай қолининг олдини олиши назарда тутиб унинг самарали ижро этишини таъминлашни;

(б) Етим болалар ва ота-она қаромогидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинишини тезлаштириш ва болаларга, айниқса ижтимоий ҳимояланмаган ва маргинал гурухларга мансуб болаларга кўрсатиладиган оила асосида ва муқобил боқиши ёрдамни кучайтиришга қаратилган саъй-харакатни кучайтириш, ўша пайтда институуанализациядан чиқариш сиёсатини самарали амалга оширишини таъминлаш;

(с) Ҳимояланмаган ва маргинал гурухларга мансуб болалар ахволига тегишли ахборотни тизимли равища тўплашни таъминлаш.

Мажбурий чиқариб юбориш

42. Кўмита Иштирок этувчи давлат мулк ва ердан маҳрум қилишга тегишли чоралар тўғрисида тақдим этилган ахборотни таъкидлайди. Бирок Кўмита шаҳарсозлик қурилиш лойиҳалари муносабати билан мулк тортиб олиниши, уйлар бузиб ташланиб яшовчилар мажбурий чиқариб юборилиши тўғрисидаги хабарларни афсус билан қабул қилди. Шунингдек у мулк тортиб олинишда миллий ҳукуқий асосга риоя қилинмаслик, айниқса дахл қилинадиган яшовчилар билан аввалдан маслаҳатлашув ўтказилмаслик ва товонлар муносиб эмаслиги ва муқобил уй-жой таъминланмаслиги (11-модда) тўғрисидаги ҳисботлардан ташвишда.

43. Кўмита Иштирок этувчи давлатга қўйидагилар мақсадида ҳукуқий ва сиёсат чораларини кўришини тавсия этади:

(а) Мажбурий чиқариб юбориш фақат охирги чора сифатида ва қонунга мувофиқ ва Инсон ҳукуқлари тугрисидаги халқаро пактга мос равища кўлланилишини таъминлаш;

(б) Чиқариб юбориш амалга оширилса, ҳақиқий маслаҳатлашув ўтказиш, муносиб ва асосланган хабарнома берилишини таъминлаш, муқобил уй-жойни асосланган вактда мавжудлигини таъминлаш ва юридик воситаларни таъминлаш каби процессуал ҳамояга риоя қилинишини ва муҳофазани таъминлаш;

(с) Даҳл қилинган аҳолига ҳамёнбоп ҳукуқий ёрдамдан фойдаланиш имкониятини ва қулайлигини таъминлаш;

(д) Уйдан мажбурий чиқариб юбориш ҳолларида моносиб муқобил уй-жойни таъминлаш йўли билан уйсизликнинг олдини олиш;

(е) Мажбурий чиқариб юборишга тегишли 7-сон (1997) умумий шарҳни инобатга олишни.

Муносиб уй-жой хукуки

44. Кўмита Иштирок этувчи давлат бажараётган ҳамёнбоп уй-жой дастури тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Бироқ Кўмита ижтимоий уй-жой, айниқса ижтимоий ҳимояланмаган ва маргинал гурухларга мансуб кишилар учун етарли эмаслиги ва Сардоба сув омбори 2020 йил январида емирилишидан зарар кўрган аҳолининг ахволи тўғрисида ахборот йўқлигидан ташвишда (11-модда).

45. **Муносиб уй-жой хукуқига тегишли 4-сон (1991) умумий шархига дикқатни қаратар экан,** Кўмита Иштирок этувчи давлатга ҳамёнбоп ва ижтимоий уй-жой билан, жумладан 2020 йил сув тошкини натижасида уйсиз қолган Сардоба атрофидаги аҳолини, ногиронлиги бўлган шахсларни, лўлиларни, қочоқларни ва бошпана изловчиларни таъминлаш саъй-харакатини кучайтиришни тавсия этади.

Озиқ-овқат хукуки

46. Кўмита озиқ-овқат хукуқига тегишли қамровли хукуқий асос йўқлигидан ташвишда. Шунингдек у озиқ-овқат хавфсизлиги йўқлиги ва Иштирок этувчи давлат аҳолисининг озиқланганлик ахволидан ташвишда (11-модда).

47. Кўмита Иштирок этувчи давлатга муносиб озиқ-овқатга эга бўлиш хукуқини кафолатлаш учун қамровли хукуқий асосни қабул қилишни ва айниқса ижтимоий ҳимояланмаган гурухларда очлик ва сурункали кам овқатларишина қарши курашиш саъй-харакатларини кучайтиришни тавсия этади. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг дикқатини муносиб озиқ-овқат хукуқига тегишли 12-сон (1999) умумий шархига ва Бирлашган Миллатлар Ташкилонинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик кенгаши 2004 йилда қабул қилган Миллий озиқ-овқат хавфсизлиги контекстида **Муносиб озиқ-овқат хукуқини бора-бора амалга ошириш бўйича кўнгилли йўриқномага қаратади.**

Саломатлик хукуки

48. Кўмита Саломатлик тўғрисидаги қонун тайёрланаётганлиги тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Шунга қарамай, Кўмита жимоат соғлиқни сақлаш секторида кўрсатилаётган хизматлар сифати муносиб эмаслиги, қишлоқ жойларда ва чекка худудларда хизматлар етарли эмаслиги ва соғлиқни сақлаш секторида коррупция тарқалганлиги хабарлардан ташвишда. Кўмита оналар ўлими кўрсаткичи ва гўдаклар ўлими кўрсаткичи юкори бўлишидан айниқса ташвишда (12-модда).

49. **Кўмита Иштирок этувчи давлатга қўйидагиларни тавсия этади:**

(a) **Жамоат соғлиқни сақлаш тизимини, жумладан етарлича инсон ва молиявий ресурсларни ажратиб ва коррупцияга қарши курашишга қаратилган чоралар кўриш орқали, кучайтириш ва ривожлантириш, сифатли соғлиқни сақлаш хизматлари имкониятини ва қулайлигини, хусусан қишлоқ жойларда ва чекка худудларда ва маргинал гурухларга мансуб шахслар учун таъминлашга қаратилган саъй-харакатини кучайтириш;**

(b) **Аёлларга ҳомиладорлик даврида ва туғруқхоналарда бола туғилгандан кейин бирламчи соғлиқни сақлаш муассасаларида кўрсатиладиган соглиқни сақлаш хизматлар стандартларини яхшилаш орқали оналар ўлими кўрсаткичи ва гўдаклар ўлими кўрсаткичини пасайтиришга қаратилган саъй-харакатларини кучайтиришни. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг дикқатини жинсий ва репродуктив саломатликка тегишли 22-сон (2016) умумий шархига қаратади.**

Рухий саломатлик

50. Кўмита Иштирок этувчи давлат рухий саломатлик тизимини яхшилаш мақсадида қабул қилган чоралан тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Бироқ, Кўмита муассасалар ва рухий саломатлик хизматларини кўрсатувчи профессионал ходимлар сони етарли эмаслиги туфайли рухий саломатлик хизматлари муносиб даражада

бўлмаганлигидан ташвишда. Шунингдек у ахоли орасида ўз жонига қасд қилиш ва ўзига ўзи шикаст етказишнинг даражаси юқорилигиндан ташвишда (12-модда).

51. Кўмита Иштирок этувчи давлатга сифатли руҳий саломатлик хизматлари имкониятини ва қулайлигини бутун Иштирок этувчи давлат бўйича оширишга қаратилган чораларни қабул қилишин тавсия этади. Шунингдек у Иштирок этувчи давлатга ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари кенг тарқалганлигининг томир сабаблари билан ишлашга қаратилган сайд-харакатларини кучайтириш ва ўз жонига қаст қилиши хатари бўлган шахс ва гурӯхларги самарали профилактика чораларини ва қўллаб-қувватловчи хизматларни кўрсатишни таъминлашни тавсия этади.

Гиёҳванд моддалардан фойдаланиш

52. Кўмита гиёҳвандлар учун бандликни қийинлаштирадиган ва жиноятда айбланиш таҳликаси туфайли зарур даволашдан фойдаланишларига ёки зарарни қисқартириш дастурларда қатнашишга йўл қўймайдиган жазоловчи қонун ва сиёсатлардан ташвишда. Шунинг Кўмита Иштирок этувчи давлатда опиоидларнинг ўрнини босиши терапиясидан фойдаланиб бўлмаслигдан ташвишда (12-модда).

53. Кўмита Иштирок этувчи давлатга гиёҳвандларни мажбурий рўйхатга олиш талабини бекор қилиб, гиёҳвандлик моддалардан фойдалашга инсон ҳуқуқларига асосланган ёндашувни таъминлаш мақсадида ўз ҳуқуқий асосларини қайта кўриб чиқиши ва шахсий истеъмол учун гиёҳвандлик моддаларга эгалик қилишини декриминализация қилишини тавсия этади. Шунингдек у Иштирок этувчи давлатга гиёҳванд моддаларни сўйистеъмол қилиш сиёсатини ишлаб чиқиши, зарарни қисқартириш дастурларни кучайтириш ва тегишли соғлиқни сақлаш чораларини кўриш, руҳий ёрам хизматларини кўрсатиш ва гиёҳвандларни реабилитация қилиш, жумладан опиоидларнинг ўрнини босиши дастурларни янгидан бошлашни тавсия этади. Шунингдек, Иштирок этувчи давлат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ва тиббиёт ходимлари учун тренинглар ўтказиб ва жамоатчилик ўргасида, айниқса гиёҳвандлик моддалардан фойдаланувчиларнинг соломатликка ҳуқуқи тўғрисида хабардорликни ошириш орқали гиёҳвандлик моддалардан фойдаланувчиларга тамга босишига қарши курашиш учун лозим чораларни кўриши керак.

Таълим олиш ҳуқуқи

54. Кўмита таълим олиш имкониятларни яхшилашга қаратилган чораларни, жумладан мактабгача таълим муассасалари билан қамраб олишни ва таълим сифатини яхшилашга қаратилган мунтазам сайд-харакатларни таъкидлайди. Бироқ, Кўмита ногиронлиги бўлган шахслар учун таълим муассасалари учун фойдаланиш имкониятлари мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги хабарлардан ташвишда. Кўмита таълим олишда лўли болаларнинг сони камлигидан ташвишда (13- ва 14-моддалар).

55. Кўмита Иштирок этувчи давлатга барча даражаларда, жумладан қўйидагилар орқали, барча сифатли таълим олиш имкониятига эга бўлишига эришишга қаратилган сайд-харакарларни кучайтиришни тавсия этади:

- (a) Таълим секторига етарлича ресурслар ажратиш, малакали ўқитувчилар сонини ва ўқув материалларни кўпайтириш йўли билан таълим сифатини яхшилашга қартилган чораларни кучайтиришни;
- (b) Ногиронлиги бўлган шахслар учун барча мактаблар ва олий таълим муассасаларидан фойдаланиш имкониятини таъминлаш ва инклюзив таълимга эришиш учун таълим инфратузилмасини яхшилашни;
- (c) Лўли болалар учун таълим олиш имкониятларини яхшилаш, улар мактабни ташлаб кетмаслиги ва уларнинг ўрта мактабни битириш кўрсаткичини ошириши учун самарали чоралар кўришни.

Маданий ҳуқуқлар

56. Кўмита маданий мерос объектларини муҳофаза қилишни оширишга қаратилган чоралар қабул қилинганлиги тўғрисидаги ахборотни таъкидлайди. Бироқ, Кўмита ЮНЕСКО Жаҳот маданий мероси объектлари яқинидаги уйлар шаҳарсозлик лойиҳалари шароитида бузилиши тўғрисидаги хабарлардан ташвишда. (15-модда).

57. Кўмита Иштирок этувчи давлатга жаҳон маданий мерос объектларини бошқариш ва ривожлантириш Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият Ташкилоти (ЮНЕСКО) ва Обидалар ва объектлар халқаро кенгаси (ICOMOS) тавсия қилган илгор тажрибага мос бўлишини таъминлашни тавсия этади.

Рақамли бўлиниш

58. Кўмита ташвиш билан интернетдан фойдаланиш, айниқса маргинал ва ижтимоий химояланмаган гуруҳлар учун чекланганлигини таъкидлайди, бу эса уларнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларидан фойдаланишга тўсик бўлади, айниқса COVID-19 пандемияси даврида (15-модда).

59. Кўмита Иштирок этувчи давлатга интернетдан фойдаланиш имкониятини ва унинг ҳамёнбоплигини, айниқса маргинал ва ижтимоий химояланмаган гуруҳлар учун таъминлаш мақсадида чоралар кўришини тавсия этади. Кўмита Иштирок этувчи давлатнинг дикқатини фан ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқларга тегишли 25-сон (2020) умумий шарҳига қаратади.

Бошқа тавсиялар

61. Кўмита Иштирок этувчи давлатни Иқтисодий, ижтимоий ва мабадий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга Кўшимча протоколга қўшилишга ундиади.

62. Кўмита Иштирок этувчи давлатга Барча мигрант меҳнаткашлар ва оиласлари аъзолари ҳуқуқларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги халқаро конвенцияни ва Зўравонлик билан ғойиб бўлишдан барча шахсларни химоя қилиш тўғрисидаги конвенцияни ратификация этишни кўриб чиқишини тавсия этади.

63. Кўмита Иштирок этувчи давлатга Пактга биноан барча мажбуриятларини тўлиқ инобатга олиб, унда Барқарор ривожланиш кун тартибининг 2030 йилгача белгиланган ҳуқуқлардан тўлиқ фойдаланишни миллий даражада, жумладан COVID-19 пандемиясидан тикланиш даврида таъминлашни тавсия этади. Барқарор ривожланиш мақсадларга эришиш Аъзо давалат ютуқларга эришишини мустакил кузатувчи механизми жорий этиши билан ва ижтимоий дастурлардан фойда кўрувчиларга ҳуқуқларини даъво қилиши мумкин бўлган ҳуқуқ эгалари сифатида муомалада бўлиш билан сезиларли даражада осонлаштирилган бўлар эди. Устига устак, Кўмита Иштирок этувчи давлат Барқарор ривожланиш мақсадларга эришига қаратилган ўн йиллик чораларга доир глобал мажбуриятларни қўллаб-куватлашни тавсия этади. Мақсадларни қатнашув, хисобдорлик ва камситмаслик принциплари асосида бажариш ҳеч ким четда колдирилмаганилиги таъминланди, дегани бўлур эди.

64. Кўмита Иштирок этувчи давлатдан жамиятнинг барча даражаланида, жумладан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар даражасида, хусусан парламент аъзолари орасида, жамоат расмий кишилари ва суд ҳокимиятида ушбу якуний мулоҳазаларни кенг тарқатишни ва Кўмитани кейинги даврий хисботида уларни бажариш учун қўйилган қадамлар тўғрисида ахборот беришни сўрайди. Кўмита Иштирок этувчи давлатни ушбу якуний мулоҳазалардан кейинги тадбирларни бажаришда ва кейинги даврий хисботни тақдим этишдан аввалги маслаҳатлашув жараёнида нохукумат ташкилотлари

ва фуқаролик жамиятининг бошқа аъзолари билан шериклик қилишни рағбатлантиради.

65. Кўмита қабул қилган яқуний мулоҳазалардан кейинги тадбирлар жараёнига мувофиқ, Иштирок этувчи давлатдан ушбу яқуний мулоҳазалар қабул қилинганидан кейин 24 ой мобайнида юқоридаги 13 (коррупция), 21 (камситмаслик) ва 33 (ёшлар бандлиги) хатбошиларда баён этилган тавсиялар бажарилиши тўғрисида ахборот беришни сўрайди.

66. Кўмита Иштирок этувчи давлатдан Пактнинг 16-моддасига биноан кейинги даврий хисоботини, агар кўриб чиқиши циклидаги ўзгаришлар натижаси ўлароқ бошқачаси хабар қилинмаган бўлса, 2027 йил, 31 марта га қадар тақдим этишини сўрайди. Бош Ассамблеянинг 68/268 қарорига кўра, хисобот ҳажми 21.200 сўздан ошмаслиги лозим.
